

**Davronbek R. MAKHSUDOV,**  
*Doctor of Historical Sciences, First Deputy  
Chairman of the Committee on Religious Affairs  
under the Cabinet of Ministers Republic of Uzbekistan.  
A.Kadiri str. 12, 100011, Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: davronbek.m@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-3/1

## ТАФСИРЛАРДАГИ УСЛУБЛАР ВА УЛАРДАГИ ТУРЛИЛИК САБАБЛАРИ

## METHODS IN THE TAFSIRS AND THE CAUSES OF VARIATION IN THEM

## МЕТОДЫ ТАФСИРОВ И ПРИЧИНЫ ИХ РАЗНООБРАЗИЯ

### КИРИШ

Қуръони карим мазмун жиҳатидан маъноси кенг манба бўлиб, уни турли замонларда ҳар хил олимлар ўз билим ва дунёқарашлари доирасида тушунганлар. Худди шунингдек муфассирларнинг ўз услублари, ҳар бир услубнинг ўз ёндашувлари ҳам бўлган. Тафсир услублари орасидаги фарқларни бир-бирига зид деб қабул қилмаслик лозим. Чунки муфассир бир услубни асос қилиб олиши билан бошқа услубдан ҳам фойдаланади. Демак, тафсир услублари бир-бири билан боғланган деб тўлақонли равишда айтиш мумкин.

Муфассирларнинг кўп бўлиши ва уларнинг ўзлари яхши ўзлаштирган билим ва малакалари асосида оятларни шарҳлашлари тафсирларда турлича ёндашувларни вужудга келтирди. Бундай ёндашув муфассирларнинг услубларига айланди ва тизимли услублар пайдо бўлди. Бундай ёндашувлар турли, бир-биридан фаркли саналар эди.

Олимлар тафсир услубларини қуйидаги тўртга бўлганлар:

Тахлилий;

Ижмолий;

Муқорин;

Мавзуий.

Ушбу мақолада тафсирнинг тахлилий

Тахлилий тафсирлар

**Тахлилий тафсир**да барча сура ва оятлар шарҳи Қуръон китоблари тартиби бўйича кетма-кетликда берилади. Доктор Зоҳир Алмаий ҳам

уни Қуръонда берилган тартиб бўйича оятларни тафсир қилиш деб изоҳлайди. У тафсилий тафсир деб ҳам номланади.

Ушбу тафсирнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– тахлилий тафсир бошқаларидан кўра устунроғи ва муқаддамроғи саналади. Абдуллоҳ ибн Масъуд бу борада айтади: “Биздан ким ўн оятни ўрганса, уларнинг маъноларини англаб, амал қилмагунича кейингисига ўтмас эди”. Тобеинлар ҳам худди шу тарзда саҳобалардан қабул қилиб олганлар. Машҳур муфассир тобеинлардан Мужоҳид айтади: “Қуръонни Ибн Аббосдан уч бора Фотиҳадан охиригача ўтказганман. Шунда ҳар бир оятда тўхталар ва сўрар эдим”;

– у тафсирлар ичида энг кенг тарқалган, машҳур, олдин ва ҳозир ҳам энг муҳим тури саналади;

– бундай тафсир турларининг баъзилари ихчам ва баъзилари узун, айримлари бир жилдли бўлса, айримлари 30 жилддан зиёд бўлади;

– у ижмолий, муқорин ва мавзуий тафсирларнинг барчасига асос бўлиб хизмат қилади. Чунки ушбу тафсирда барча оятлар батафсил ёритилгани сабабли қолган турлар учун таянч вазифасини ўтайди;

– унда оятлар кетма-кетликда келгани учун ҳам тафсирнинг ақлий ёки нақлий ёхуд тарихий, балоғий, фикхий, илмий, фалсафий, ишорий сингари экани янада равшанлашади. Ушбу тафсир турида юқорида айтилганидек бир қатор ёндашувлар мужассам бўлса ҳам тахлилий ёки тафсилий, деб номланади.

Ушбу тафсир услубини қисқа, ўрта ва кенг каби турларга бўлиш мумкин:

– қисқа ҳажмдаги тафсирларга Абу Лайс Самарқандий, Абу Музаффар Самъоний, Қози Байзовий, Ибн Жузай Ғарнотий, Абул Баракот Насафий кабилар;

– ўрта ҳажмли тафсирларга Имом ал-Бағавий, Маҳмуд Замахшарий, Ибн Атия, Ибн Касир, Абус Сауд, Шавканий, Қосимий ва бошқаларни;

– кенг шаклдаги тафсирларга Абу Жаъфар Табарий, Фахр Розий, Имом Қуртубий, Олусий, Ибн Ошур сингариларни қўшиш мумкин.

Ижмолий тафсирлар

Тафсирнинг ижмолий услубида оятлар Қуръон китоблари тартибида берилиб, фақатгина маънолари умумий тарзда, мақсадни изҳор қилиб, оятлардаги сўзларни матн ва тафсир билан боғлаб беради. Баъзилар уни “оятларни ихчам ва

**Аннотация.** Асрлар оша кўплаб тадқиқотчи ва олимларни тафсирлар билан бир қаторда уларнинг турлари ҳам кизиштириб келган. Шу нуқтаи назардан тафсир турлари, уларнинг фаркли ва ўхшаш томонлари каби масалалар қайта-қайта ўрганилган. Тафсир илми икки қисмга, яъни "ат-тафсир бил-маъсур" – нақл асосидаги тафсир ва "ат-тафсири бир-раъй" – ақл ва ижтиҳод асосидаги тафсирга ажратиб тадқиқ қилиш анъанаси мавжуд.

Аслида ҳам мавжуд тафсир китоблари таҳлил қилинса, улар ёки нақл, яъни ҳадис, саҳобалар ривоятлари асосида ёки ақлий илмлар асосида ёзилганини кўриш мумкин. Бироқ, нақлий тафсирларда фақатгина нақлий маълумотлар, ақлийларида эса, фақатгина ақлий маълумотлар бўлади холос, деган қоида мавжуд эмас. Шу боис, иккаласи аралашган китобларни топилиши ҳам табиий ҳол. Масалан, нақлий тафсирлардаги ривоятларнинг айримларини афзалроқ эканини ажратиш ва "таржих" қилишда ақлий илмларга таянган ҳолатлари кузатилади. Бунинг акси, ақлий тафсирларда ҳам нақлий ривоятлар учраб туради, бироқ далилларнинг аксарият қисми ақлий бўлгани сабабли улар ақлий тафсирлар қаторида саналади.

Олимлар тафсир услубларини қуйидаги тўрт турга бўлганлар: таҳлилий, ижмолий, муқорин, мавзуй. Ушбу мақолада тафсирнинг таҳлилий, ижмолий ҳамда муқорин турлари ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** муфассир, тафсирдаги ёндашув, турлилик, ихтилоф, фарқ, сабаб ва омил.

#### **Abstract.**

**Keywords:** *mufassir, approach in tafsir, diversity, conflict, difference, cause and factor.*

#### **Аннотация.**

**Ключевые слова:** *муфассир, подходы в тафсирах, разнообразие, ихтилаф (разногласие), разница, причина и фактор.*

умумий тарзда шарҳлаш ҳамда бир ёки бир нечта оятлар маъноларини батафсил шарҳламаслик”, деб айтадилар. Ушбу тафсирда оятлар сўзма-сўз шарҳланмайди, баъзи ўринларда нозил бўлиш сабаблари қабилар ёритилади. Шу жиҳатдан ҳам ушбу тафсир маънавий таржимага ўхшаб кетади.

Ижмолийнинг таҳлилий тафсирдан фарқла-

надиган бир нечта хусусиятлари мавжуд. Улар:

- ижмолий тафсирни ўқиган инсон тафсилотларига берилмай, умумий маъноларни англаб олиши мумкин;
- муфассирнинг мақсади умумий маънони энг қисқа йўл билан етказиш саналади;
- қўлланиладиган сўзлар ҳам кўпчилик

ишлатадиган ва ҳаммага маълум бўлади;

– изоҳда Қуръондан кўзланган асосий моҳиятга эътибор қаратилади.

Ушбу услубга хос тафсир китоблари қуйидагилар:

Аҳмад Мустафо Мароғийнинг “Тафсир ал-Мароғий”;

Абдурахмон ибн Носир ибн Саъдийнинг “Тайсир ал-карим ал-Маннон фи тафсири Калом ар-Раҳмон”;

Муҳаммад Маҳмуд Ҳижозийнинг “ат-Тафсир ал-возиҳ”;

Муҳаммад Маккий Носирийнинг “ат-Тайсир фи аҳодис ат-тафсир”;

Жалолуддин Суютий ва Маҳаллийларнинг “Тафсир ал-Жалолайн”;

Хусайн Махлуфнинг “Сафватул баён ли-маон ал-Қуръон”;

Абу Бакр Жобир Жазоирийнинг “Айсар ат-тафосир ликалом ал-Алий ал-кабир”;

Қирол Фаҳд марказининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланган “ат-Тафсир ал-муяссар” асари.

Муқорин тафсирлар

**Муқорин тафсирлар** (бир-бирига яқин ва бир мавзу доирасидаги тафсирлар)да муфассир бир ёки бир нечта оятни шарҳлаш асносида мавзуга тааллуқли бўлган бошқа оятлар, ҳадислар, саҳоба, тобиин ёки муфассирлар сўзлари, бошқа самовий китоблардаги далилларни келтиради, уларни таққослаб, афзалини ноқисроғидан ажратиб кўрсатиб беради. Уни баъзи олимлар “бир оят доирасидаги бир нечта далилларни келтириш ва улардан ёрқинроғини ажратиб олиш” деб ҳам номлашган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Кўриниб турганидек, ушбу тафсирнинг кўлами бошқаларидан кўра кенгрок ҳисобланар экан.

Қиёсий тафсир таҳлилий тафсирнинг ривожланишига таъсир кўрсатган. Чунки саҳобалар давридан бошлаб бир оят борасида бир нечта хил қарашларни учратиш мумкин. Натижада муфассир ўзи лозим топган фикрларни олган, қолганларини эса қабул қилмаган. Худди шу ҳолатни тадвин пайтида ҳам кўриш мумкин. Масалан, “Тафсир ат-Табарий” таҳлилий тафсир бўлиши билан бир қаторда унда бир-бирига яқин далилларни келтиради, улар борасида мушоҳада ва мунозара қилади. Бу каби ҳолатларни ўнлаб жойларда учратиш мумкин. Шу сабаб ҳам Имом

Заҳабий “унда бир нечта фикрлар келтирилиб, баъзилари авло топилади”, дейди. Худди шундай ҳолни Ибн Арабийнинг “Аҳком ал-Қуръон”, Ибн Атиянинг “ал-Муҳаррар ал-важиз”, Абу Ҳаён Андалусийнинг “ал-Баҳр ал-муҳит”, ал-Қуртубийнинг “ал-Жоми лиаҳкмоил Қуръонил карим” ва бошқа кўплаб тафсирларда учратиш мумкин.

Муқорин тафсирнинг бир нечта йўналишлари мавжуд. Жумладан:

- бир хил мазмундаги оятларни ёки зоҳирида зиддиятлар бўлган оятларни бир жойда келтириш ва ундан умумий мазмунни чиқариб олиш. Бунга тушунилиши қийин бўлган оятларни таъвил қилиш ҳам қиради. Ушбу йўналишдаги тафсир китоблари ҳаммага маълум;

- бир мазмундаги ёки бир-бирига зид бўлган оят билан ҳадисни келтириш. Бундай тафсир йўналишлари мушқилул Қуръон ва мушқилул ҳадис китобларида учрайди;

- гоҳида бир оят билан Таврот ва Инжилдаги бошқа бир матн таққосланади ва Қуръоннинг афзаллиги ва аҳамияти ёритиб берилади, олдинги китоблардаги ўзгаришлар очилади. Бу йўналишга доир Морис Букойнинг “ал-Қуръонул ал-карим ва Таврот вал-Инжил вал илм”, Иброҳим Халилнинг “Муҳаммад фит-Таврот вал-Инжил вал-Қуръон” каби китобларини айтиш мумкин.

- айрим муқорин тафсирларда бир нечта муфассирларнинг фикр ва қарашлари жамланилиб, улардан бирлари маъқул топилади, қолганлари эса, рад қилинади. Бунга доир китоб сифатида Ибн Жарир Табарий тафсирини айтиш керак. Тадқиқотчи олимлар кўп ҳолларда ушбу йўналишдан фойдаланган ҳолда тафсир асарлари ёндашув ва турларини ажратадилар, уларнинг бирларини бошқаларидан фарқлайдилар, фикрларни бир-бирлари билан таққослайдилар.

Муқорин тафсирларининг муҳим жиҳатлари:

- ҳақга етиш, ишончли фикрни қабул қилиб, заиф ва кучсизларини рад этиш имкониятларининг мавжудлиги;

- тафсирларни ботил қараш, саҳиҳ ривоят ва соғлом ақлга тўғри келмайдиган шарҳлардан тозалаш;

– муфассирлар фикрлари, уларнинг далил келтириш ва рад этиш йўллари, ихтилоф сабабларини ўрганиш имкониятининг пайдо бўлиши;

- муфассирлар қарашлари орасида ўхшашлик ва фарқларни ажрата олиш, далилларни келтириш йўлларини тадқиқ этиш имконияти;

- далилларни жамлаш ва уларни ўрганиш,

ўрнатилган қоида ва асосларга биноан уларни саралаш ҳамда олимларни тафсир бўйича мавзуларга ажратиш, улуғлик ва сабр борасидаги тажрибаларидан малакаларга эга бўлиш;

- мукорин тафсирларида ўрганиладиган қироатлар, ҳадис, луғат, балоғат, қоида ва бошқа илмларни қиёслаш, ажратиш ва бекор қилиш билан боғлиқ сабабларни ўрганиш.

**Муфассирларнинг тафсирдаги турлилиги тушунчаси ва кўринишлари**

Муфассирлар орасидаги турлилик, ихтилоф ва фарқлар ҳақида гапирганда, буни ақида, фикҳ ва усул ал-фикҳ, луғат, ҳадисларда кузатилишини таъкидлаш керак.

## МУҲОКАМА

Тафсирларнинг мақбул ёки қабул қилинмаслиги нуктаи назаридан ҳам иккига: қабул қилинадиган ва мақбул бўлмаган қисмга бўлинади. Буни яна куйидагича ҳам изоҳлаш мумкин: “муфассирлар ўртасидаги ихтилоф ҳам ўз навбатида иккига – моҳиятан бир фақатгина жузъий қисмларда фарқ бўлгани ҳамда моҳиятан бир-бирига зид бўлган тафсирга бўлинади”.

*Рухсат этилмаган ақлий тафсирлар:*

Рухсат берилган ақлий тафсирлар билан бир қаторда рухсат этилмаган ақлий тафсирлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан куйдагиларни санаб ўтиш мумкин:

Абулжаббор Ҳамадоний Мўътазилийнинг “Танзиҳ ал-Қуръон анил-матоин”;

Абу Али Фазл ибн Ҳасан Табарийнинг “Мажма ал-баён фи тафсир ал-Қуръон”;

Ҳуд ибн Муҳкам ал-Хувворийнинг “Тафсир Китобиллоҳ ал-Азиз”;

Абу Муҳаммад Саҳл Тустарийнинг “Тафсир ал-Қуръон ал-азим”;

Абу Абдурраҳмон Муҳаммад ибн Ҳасан Суламийнинг “Ҳақоик ат-тафсир”;

Муҳаммад Ҳусайн ат-Таботобойнинг “ал-Мезон фи тафсир ал-Қуръон”;

Муҳаммад Жавод Мағнийнинг “ат-Тафсир ал-қошиф”;

Муҳаммад ибн Юсуф Итфайишнинг “Ҳамён аз-зод ила дор ал-маод”;

Абул Қосим Мусавий (Мавсавий) Хавлийнинг “ал-Баён фи тафсир ал-Қуръон”;

Шариф Муртазо Али ибн Тохир Абу Аҳмад ал-Ҳасан Шийининг “Ғулар ал-фавоид ва дулар ал-қалоид” асарлари.

**Моҳиятан бир ва фақатгина жузъий фарқлар бўлган ихтилофларнинг бир нечта**

**турлари мавжуд**

**Биринчиси**, ўзи бир нарса, лекин турли номлар билан аталган сўзлар. Масалан Фотиҳа сурасида: “Иҳдина ас-сирот ал-мустақим” – “бизларни сирот мустақимга йўллагин” оятида барча олимлар *сирот мустақим*ни “эгрилиги бўлмаган тўғри йўл”, деб айтганлар. Бирок унинг нима экани борасида фарқли фикрлар билдирилган. Ҳазрати Алига марфуъ қилинган бир қавлда “Аллоҳнинг Китоби” дейилса, Ҳасан Басрий, Абул Олия “Ислом дини”, Мужоҳид “Аллоҳнинг динига олиб борадиган тўғри йўл”, деб изоҳлаганлар.

Шунингдек Бақара сураси -<sup>o</sup>оятидаги “ал-манн” сўзини Мужоҳид *сомға* (дарахтнинг шираси), Робиъ ибн Анас “ичимлик”, Ибн Аббос “дарахтга тушиб, ундан одамлар ейдиган нарса” деганлар.

**Иккинчиси**, ўзи битта нарса бўлиб, муфассирлар унинг айрим қисмларига қараб номлаган сўзлар. Булар ом сўзлар бўлиб, муфассирлар уларни айрим жиҳатларидан келиб чиқиб, маъно берганлар. Масалан, Такосур сурасидаги “ан-наъим” (неъмат) сўзини Ибн Масъуд ва аш-Шаъбий “хотиржамлик ва соғлик”, Ибн Аббос ва Ҳасан Басрий “бадан, кўз ва кулоқларнинг саломатлиги”, деб неъматларнинг айрим жиҳатларини изоҳлаганлар.

Имом Мовардий неъматнинг нима экани борасида етти хил фикр бор деган:

Ибн Масъуд ва Саид ибн Жубайр “омонлик ва саломатлик”;

Ибн Аббос “кулоқ ва кўзнинг саломатлиги”;  
Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий “ейиш ва ичишдан лаззат топиш”;

Ҳасан Басрий “эрталабки ва кечки овқат”;  
Муҳаммад ибн Каъб “Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматларга неъмат этиб берилиши”;

Ҳасан Басрий ва Муфаззал “шариатнинг аниқ бўлиши ва Қуръоннинг энгиллаштириб берилгани”;

Зайд ибн Аслам отасидан келтирилган ривоятда Пайғамбар (с.а.в.) мазкур оятнинг шарҳида айтадилар: “Қориннинг тўйиши, сувнинг салқин қилиниши, масканнинг сояли бўлиши, тананинг кўркамлиги, уйқудан роҳат олиши. Бу савол мўъмин ва кофирга ҳам хос. Бирок мўъминга дунё ва охира неъматлари жамлаб берилгани борасида башорат берилса, кофирга эса, дунё неъматларини куфр ва исён билан қабул қилгани ҳақида огоҳлантирилади”.

Имом Табарий бу борада шундай дейди:



“Бу борадаги тўғри гап шуки, Аллох таоло ушбу неъматлардан сўраши ҳақида хабар берди. Уларнинг баъзисидан сўраб, бошқасидан сўрамай қолмайди, балки уни умумий сўз билан ифодалаб, бири қолиб бошқасидан эмас, балки уларнинг ҳаммасидан сўрашини айтди” (Табарий, Ж. 30. 2000:209).

Фотиҳа сураси -10-оят – “Иҳдина ас-сирот ал-мустақим”даги ҳидоятнинг маъноси борасида ҳам ихтилофлар мавжуд. Муфассирлар ушбу сўзни зехнларидаги маънолар ила тафсир қилганлар. Ушбу маъноларни Роғиб Исфажоний Маккий ибн Абу Толибдан ривоят қилиб, жамлаган. Жумладан:

1) бу умумий ҳидоят маъносида бўлиб, барчамизга бундай ҳидоятни сўрашга буюрилмоқда. Аслида дуо қилиб сўрайдиган мусулмонлар ҳидоят топган бўлсалар-да, яна бир бор дуо қилиш билан савоблари зиёда бўлади.

2) “бизларни шариат йўлига муваффақ айла” маъноси келиб чиқади.

3) “бизларни шаҳватга берилиб кетиш ва шубҳалардан сақла” маъносида бўлади.

4) “бизларни ҳидоятда зиёда қил ва “Ким имон келтирса қалби ҳидоят топади” (Тағобун сураси, 11-) ҳамда “Ҳидоят топганларнинг ҳидоятларини зиёда этар ва тақволарини берар” (Муҳаммад сураси, 17-) оятларида ваъда қилганингни рўёбга чиқар” маъносини ифода этади.

5) айтиладики, “бизларга ҳақиқий илмни ўргат. Чунки бундай илм халос бўлишнинг сабаби ва бу “Аллох Ўзининг нурига хоҳлаганини етаклар” (Нур сураси, 35-) оятидаги нур дея таърифланган”.

6) “жаннатни сўраш. Чунки Муҳаммад сураси, 4-оятда: “Аллохнинг йўлида қатл қилинганларнинг амалларини асло зоеъ қилмас” ва Юнус сураси, 9-оятда: “Роббилари уларни имонлари сабабли ҳидоятга бошлар” деб айтилган.

## НАТИЖА

Шу тарзда келган тафсирлар *ҳидоят* сўзининг айрим маънолари ва жузлари бўлиб, бундай маънолар орасида қарама-қаршилиқ

<sup>1</sup> Абу Муҳаммад Маккий ибн Абу Толиб Ҳаммуш ибн Муҳаммад ал-Андалусий (ваф. 432/1041) – қори, тафсир, луғат илми олими. Қарувонда 335/966 йилда таваллуд топган. Асарлари орасида “Мушқил эъроб ал-Қуръон”, “ал-Ибона ан маон ал-қироот” кабилари мавжуд.

бўлмаса, уларни жамлаш мумкин бўлади. Бу борада Жамолуддин Қосимий<sup>1</sup> айтади: “Шу тарзда *ҳидоят* сўзининг маъноларини англаб олиш мумкин. Агар бир нечта маънолар бири-бирига қарши бўлмас экан, уларнинг ҳаммасини мақбул дейиш мумкин. Бу ўз навбатида бир турдаги ихтилоф, асло қарама-қарши ихтилоф дейилмайди” (Жамолуддин Қосимий, 1907:19).

Моҳиятан бир, бироқ жузвий фарқлар бўлган ихтилофнинг *учинчиси* аслида бир сўзнинг ёки *муштарак*<sup>3</sup> ёки *мутавоти*<sup>4</sup> сабабли икки хил маъноси бўлади. Бироқ улардан бириси мақсад қилинган ва бир муфассир ўша маънони қўллаган бошқа муфассир эса бошқа эҳтимолли маънони танлайди. Масалан, *қасвара* сўзи шер ва овчи, *асъаса* сўзини ҳам туннинг келиши ва кетиши ўртасида тенг маъноли (муштарак) сўз дейишган.

Бундан ташқари Бақара сураси, -10-оятдаги (улар Сулаймон мулкидаги Шайтон ўқиган нарсаларга эргашдилар) *татлу* сўзини Ибн Аббос Мужоҳид, Ато ибн Абу Рабоҳа ва Қатода каби муфассир олимлар *тақроу* – ўқийди, деб маъно берганлар. Бошқа муфассирлар эса, (Ибн Аббосдан бошқа ривоятда) *таттабиу* – эргашади, деб маъно берганлар.

Абу Жаъфар Табарий *татлу* сўзининг араб тилида икки маъноси бор: бири “эргашиб”, чунки арабларда *талавта фуланан* – “фалончига эргашдинг” деб, бирор кишининг изидан, эргашиб юрилганда айтиладиган ибора ишлатилади. Иккинчиси эса, ўқиш, ўрганиш маъносида қўлланилади. Чунки *фулонун ятлу ал-Қуръон* – фалончи Қуръон ўқиб ўрганади деган ибора ишлатилади.

Замир (бириқма олмоши)да ихтилоф бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, Иншиқоқ сураси, -1 “Эй инсон, сен албатта Роббингга интиласан ва Унга йўлиқасан” оятидаги *унга* бирикма олмоши Робб калимаси ёки интилиш сўзига тааллуқли эканида ихтилофлар мавжуд.

Ҳамжинсли, яъни ўзи бир сўз, лекин *бу турдаги* барча маъноларга нисбатан <sup>2</sup> Абул Фараж Муҳаммад Жамолуддин ибн Муҳаммад Саид ибн Қосим ад-Дамашқий (1283/1866-1332/1914) – Шом алломаси. Алломанинг “Маҳосин ат-таъвил” асари мавжуд.

<sup>3</sup> Муштарак – *айн* сўзи сингари бир нечта маъноларга нисбатан қўлланиладиган ва бир нечта маъноли сўз. *Қуруъ* ва *шафақ* каби иккита маънога нисбатан қўлланиладиган исм ҳам муштарак саналади.

<sup>4</sup> Мутавоти – *шамс*, *инсан* каби барча жузвий маъноларини тенг ифода этадиган кенг қамровли сўз. Чунки инсон деганда, барча инсонлар қамраб олинади, шу каби шамс деганда ҳам куёш ва унга тааллуқли барча жузвий нарсалар тушунилади.

қўлланиладиган сўзлардаги ихтилофга мисол тариқасида Фажр сураси, -<sup>1</sup> оятидаги *фажр* – тонг сўзини келтириш мумкин. Муфассир ушбу сўзни умумий маънодаги барча тонг ёки зулҳижжа ойи тонгги ёки йил кунларидан биринчи кун деган маъноларда турлича мазмун айтганлар.

Сифат маъносидаги сўзлардаги ихтилофга Таквир сураси, -<sup>2</sup> оятидаги *хуннас* – чекинувчи, қочувчи сўзи мисол бўлади. Ибн Масъуд розияллоху анху уни ваҳший ҳайвон, Али розияллоху анху юлдузлар деб шархлаганлар.

Имом Мовардий эса, ушбу сўзга 4 хил маъно берганлар:

- кундузи беркинадиган юлдузлар (Ҳасан Басрий ва Қатода шундай тафсир қилганлар);
- 5 та юлдуз: Зухал, Аторид, Муштарий, Миррих ва Зухра (Ҳазрати Алининг шарҳи);
- ваҳший ҳайвон;
- оху (Ибн Жарир шарҳи);
- фаришталар, улар кўзга кўринмайдилар.

Араб тафсиршунос олими доктор Мусоид Тайёр ушбу маънолардан юлдуз, деганини макбул санайди. Чунки олдинги ва кейинги оятларда коинот ва ундаги жараёнлар ҳақида гап кетмокда. Шу боис юлдуз маъносини танлаш мақсадга мувофиқроқ саналади.

**Тўртинчиси**, маънодош, бироқ синоним бўлмаган сўзларни изоҳлаш билан боғлиқ. Қуръони каримда келган бундай сўзларнинг изоҳ ва таъбирлари турли, лекин мазмуни бир хил бўлади ва бу ўз навбатида Илоҳий калималарининг кенг қамровини кўрсатади. Муфассирлар бундай шархлаш услубидан кўп фойдаланадилар. Жумладан:

– Қоф сураси, 38-оят<sup>3</sup>да келган لغوب – *дугуб* сўзини муфассирлардан Ибн Аббос бир ўринда “ازحاف – чарчоқ”, бошқа бир ўринда “نصب – кийинчилик ва оғрик”, Ибн Зайд эса, “العناء – меҳнат ва машаққат”, деб шархлаганлар;

- Анъом сураси, 70-оятдаги تبسل – *тубсала* сўзи борасида Имом Мовардий 6 хил фикрни келтирганлар:

- 1) تسلّم таслим бўлиш маъносини Ҳасан Басрий, икрима, Мужоҳид, Суддийлар;
- 2) تحبس ҳибс бўлмок маъносини Қатода;
- 3) تفضح ошкор бўлиш маъносини Ибн Аббос;
- 4) تاخذ қасб қилган нарсаси билан ушланиши маъносини Ибн Зайд;
- 5) تجزي жазоланмоғи маъносини Калбий;
- 6) ترهن бўйнига олмок маъносини Ғарро

<sup>5</sup> وَلَقَدْ خَلَقْنَا السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ وَمَا مَسَّنَا مِنْ لُغُوبٍ (۸۳)

айтганлар.

**Бешинчиси**, бир оят ёки бир сўзда кироатларнинг турли бўлиши билан маъноларда ҳам ихтилофлар келиб чиқади. Бу ҳолатда айрим фикҳий масалаларда ҳам фарқлар юзага келади.

Таъкидлаш керакки, бир турдаги бундай ихтилофлар тафсирларда кўп учрайди. Бироқ уларнинг тўғри деб топилиши учун қуйидаги шартлар ҳам бўлиши даркор:

- айтилаётган фикр ва кироатларнинг тўғри бўлиши;
- тафсир қилинаётган маъно ўша сўз ва оятларнинг эҳтимолий мазмунидан бирига тўғри келиши;
- ихтилофлар зохирда бўлиши, агар моҳиятда бўлса, унда бир-бирига зид тафсир турларига кириб қолади.

## ХУЛОСА

Бир сўзнинг икки ва ундан кўп маъноларидан бирини бошқасидан устун қўйиш учун бир нечта сабаблар бўлиши керак. Бундай сабаблар каторида ташқи, яъни ўша маъно қабул қилинишига таъсир этувчи оят, ҳадис, ақидавий ёки фикҳий коиданинг мавжудлиги; сура мазмуни; сабаби нузул кабиларни санаб ўтиш мумкин. Лекин иккала маъно ҳам оятдан тенг англашиб турилган ва бири иккинчиси тўлдириб турган бўлса ҳамда бирини қабул қилиш билан оят мазмуни тўлиқ ифодаланмай қолган тақдирда иккала мазмунни ҳам қабул қилиш керак бўлади.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тоҳа Обидин Ҳаммод. (2016). Ат-Таҳрир фи усулит тафсир. ад-Даммом: Мактабатул мутанаббий, 2014.
2. Абдуллаев А. (2016). Қуръоншуносликка оид илмлар. Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти.
3. Махсудов Д. (2019). Тафсир илмига кириш (ўқув қўлланма. Тошкент: “Qaqrus” нашриёти.
4. Махсудов Д. (2019). Мовароуннаҳр ханафий мазҳаби муфассирлари (XIII-XV асрлар). Монография. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси.
5. Сауд ибн Абдуллоҳ ал-Фунайсон. (2005). Ихтилофул муфассирин асбобуху ва осоруху. Байрут: Оламул кутуб.
6. Одил Нувайҳиз. (йили кўрсатилмаган). Мўъжамул муфассирин мин садрил ислам ҳаттал асрил ҳозир. Учинчи нашр. Ж. П. Байрут: Муассасату Нувайҳизис сақофия лит таълиф ват таржима ван нашр.
7. Холид Абдурахмон ал-Икк. (йили кўрсатилмаган).